

“СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ” ҲАҚИДА ФАЛСАФИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

ф.ф.д.(DSc), проф. Исакова Замирахон Рухитдиновна

Наманган давлат университети, Ўзбекистон

ms.zamiraxonisaqova@gmail.com

Аннотация. Қадимги асотирларда турли шакл ва мазмунда акс этган “сунъий интеллект” концепцияси XX асрга келиб (1950) илмий муомалага киритилган. Шу вақтдан бошлаб “сунъий интеллект”га доир бир неча ўн мингдан ортиқ тезис, илмий мақола, қўлланма, монография нашр этилган бўлса ҳам унинг фалсафий моҳияти етарли очиб берилмаган. Мақолада интеллект, “сунъий интеллект”нинг инсон ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамияти, қадриятлар тизимидаги ўрни, “сунъий интеллект”нинг ахлоқий баҳоси, “сунъий интеллект”га доир фантастик асарларда илгари сурилган ғояларнинг фалсафий моҳияти, инсонни мукаммаллик сари йўллайдиган “трансгуманизм” тарафдорлари илгари сурган қарашлар фалсафий таҳлил қилиниб, инсон энг олий қадрият экани илмий далилланган.

Калит сўзлар: инсон, интеллект, сунъий интеллект, интеллект коэффициенти, қадрият, “фэнтези”, трансгуманизм.

XXI аср ҳар жиҳатдан кутилган ва кутилмаган воқеа-ҳодисалари билан башариятни ҳайратга солишда давом этмоқда. Келажакни шакллантиришда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, маънавий-маърифий ва фалсафий тенденциялар ва креатив омилар муҳим аҳамиятга эгаллиги дунё афкор оммасининг диққат марказида бўлиб, сунъий интеллект ҳам улар қаторидан жой олган. “Сунъий интеллект” қўлланиладиган соҳалар контингенти кун сари ортиб бормоқда. Компьютер технологиясидан робототехника ва автоматлаштириш, “УЗИ” бўйича ташхис қўйиш ва даволаш, маркетинг тизими, маълумотлар базасини бошқариш, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, бошқариш ва ҳоказо. Лекин буларнинг барчаси “сунъий интеллект барқарор келажакни қуриб бера олади” дегани эмас. “Сунъий интеллект” қанчалик фойдалилик, самарадорлик ва унумдорликни оширмасин, ҳар бир инновацияда бўлгани каби “сунъий интеллект”нинг янги чегараларини кашф этишга қодир новациялар, алгоритмлар, моделлар, технологиялар, янги иловалар ўзига хос хавф ва қийинчиликларни келтириб чиқаради. Улардан бири инсон омили билан боғлиқ бўлиб, келажакда ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳаларининг автоматлаштирилиши ва роботлаштирилишидир.

“Сунъий интеллект” борасидаги суҳбатларда “сунъий интеллект” қанчалик креатив бўлмасин, у инсон томонидан яратилган, инсон томонидан бошқарилади. Шундай экан, “сунъий интеллект” мамлакат барқарорлиги, жамият фаровонлиги гаровидир” деган фикрни кўп такрорлайман.

Интеллектнинг ўзи нима? Интеллект инсоннинг ақлий қобилияти, тафаккур қилиш, билиш, тушуниш, идрок, ўқиш-ўрганиш, қарор қабул қилиш лаёқати, оқилоналикнинг олий ифодасидир. Интеллектнинг такомили инсоннинг туғма истеъдоди, иқтидори, жўшқин илмий-ижодий фаолияти, ҳаётий тажрибаси

каби ижтимоий омиллар билан белгиланади. Ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳияти ўзига хос, яъни унинг интеллектуал савияси, фикрлаш даражаси инсоннинг ақлий фаолияти билан боғлиқ.

Аслида ҳар бир нарсанинг ҳажми, ўлчами, мезони, нархи бор, бу ўлчов фақат интеллектга тегишли эмас. Қаршилиқ билдиришингиз ўринли: IQ – интеллектнинг баҳоси. Бу параметр билан инсон ақлий ривожланишининг коэффициенти ўлчанади, интеллект эмас. Шунга қарамай, IQ интеллектнинг барча факторларини баҳоловчи умумий индикатор вазифасини бажаради.

Интеллект коэффициенти илк бора 1912 йилда немис олими У.Штерн [1.306.] томонидан илмий муомалага киритилган бўлса, ҳозирги пайтда ҳам турли шакл ва услубда, жумладан, тест, мантиқий савол, арифметик масала, инсоннинг ақлий даражасини ўлчашнинг ностандарт, ягона ва ишончли воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

“Сунъий интеллект”нинг вужудга келиши ҳам айнан инсон интеллектини компьютер технологияси орқали англаш, тушуниш, билиш, ўрганиш натижасидир.

Тадқиқотчиларнинг “сунъий интеллект”га берган таърифлари турлича. Айрим олимлар инсон интеллектуал фаолиятини моделлаштириш масалаларини қамраб олган илмий йўналиш [2.62.] деб тушунтиришса, бошқа тадқиқотчилар талқинида инсонга хос бўлган ижодий фикрлаш даҳосини баҳолашнинг техник усули. Интеллектуал система компьютерга жамланган билимлар базаси, назорат қилувчи, интеллектуал “интерфейс”дан иборат [3.11.]. Бошқа тадқиқотчилар назарида “сунъий интеллект” фикрий мулоҳаза ва ижодий фаолиятнинг “сунъий интеллект” ёки ҳисоблаш машиналари ёрдамида қайта қурилишини амалга оширувчи ахборот технологиялари йўналишидир [4.45.].

Юқорида келтирилган таърифлардан ҳосил бўлган хулоса шуки, интеллект фақат инсонга хос биологик “феномен” бўлса, “сунъий интеллект” инсон ақлий ва ижодий тафаккурининг техник “интерпретация”сидир.

“Сунъий интеллект”ни истифода этиш доираси шу даражада кенгайиб кетганки, “сунъий интеллект” нима қилади” деган саволга аниқ жавоб йўқ. Ваҳоланки, бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган фалсафада ҳам ҳали инсон ақл-заковатининг табиати, масалан, “ақлнинг ватани қаерда” ёки “ақл қаердан пайдо бўлади”, “ақлнинг мақоми қандай” каби масалалар очиқ қолган. Бундан англашиладики, бир ва бир неча ақлларни бирлаштирган “сунъий интеллект” қанчалик “буюк” кашфиёт бўлмасин, инсоннинг ақлий камолоти ундан буюкроқдир, буни санъаткор билан унинг санъати мисолида теран тушуниш мумкин. Санъатга махлиё бўлганлар унинг яратувчиси, яъни санъаткори мавжудлигини ёдда сақлашлари муҳим.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, буюк кашфиётчи ихтиросининг башарият учун қанчалик муҳимлиги ёки аянчли оқибатларга олиб келиши ёхуд энг бой одам бўлиш истаги ўртасида ахлоқий танловга учрайди. Қадрият масаласида олимнинг тутган йўли индивидуал, яъни ўзига хослиги билан ажралиб туради. “Сунъий интеллект” қанчалик “ақлли” ва “уддабурон” феномен бўлмасин, қалб ва ахлоқий танлов масаласида шунчалик “оғиз”дир. Кўпчилик тадқиқотчилар хориж тилларидан сертификат олиш учун бир неча босқичли имтиҳондан

ўтишади. Улардан бири ўқитувчи робот билан суҳбат бўлиб, робот фақат аввалдан тайёрланган бир-бирига мантикий боғланмаган саволларни ўқиб беради. Робот берадиган “пойинтор” саволлар ва талабгорнинг жавоблари жуда катта тафовут билан фарқланади. Масаланинг жиддийлиги ва мантикий мулоҳаза билан боғланганлиги, энг муҳими, берилган саволга жавобларнинг ранг-баранглиги бу имтиҳоннинг номукамаллигини кўрсатади.

Савол туғилади? Сунъий интеллект “ҳис” ёки “кашф” қила оладими? Бу масала очиклигича турибди. Бунинг тасаввурий-хаёлий ҳосиласи бепоеъ тафаккур сарҳадларини ортда қолдирган ва келажак билан сирли “тил”лашган фантаст-ёзувчиларнинг ҳам қизиқарли, ҳам ҳайратланарли, ҳам инсонни тафаккур қилишга чорлайдиган “сунъий интеллект”га бағишланган “фэнтези”ларида акс этган. Жумладан, Д.Симмонсинг “Гиперион кўшиқлари”, Р.Хайнлайннинг “Ой – қаттиққўл бека”, А.Азимовнинг “Мен – робот”, “Позитрон одам”, “Икки юз ёшлик одам”, Ф.Дикнинг “Андроидлар электр қўйлар ҳақида орзу қилишадими?”, С.Лёмнинг “Кибериада”, А.Кларкнинг “2001: Космик Одиссея”, Д.Уилсоннинг “Апокалипсис роботлари”, У.Гибсоннинг “Нейромант”, Д.Адамсинг “Галактика бўйлаб қадам товушлари” ва ҳоказо. Бу асарларнинг асосий ғояси инсонпарварлик бўлиб, “тарих ғилдираги шундай даражага етдики, энди башариятнинг бир-бирига душманлик қилишга ҳаққи йўқ. Сайёрадаги афкор омма иттифоқ бўлишлари шарт. Одамларни бир-бирига меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишларига мажбурлаб бўлмайди, айнаи вақтда фантастик асарлар улар ўртасидаги нафратни йўқотишга хизмат қилиши лозим. Фантастик асарлар инсониятни бирлаштиришга қодир [5.141.].

Илмий нуқтаи назардан қараганда “сунъий интеллект” яратилишига қадам қўйилиши билан файласуфлар эътиборида бўлган. Бу, ўз-ўзидан ақлли тизимлар пайдо бўлиши билан борлиқ, инсон ва билим ўртасидаги фундаментал аҳамиятга эга бўлган саволларни юзага келтирди.

“Сунъий интеллект” яратилишининг фалсафий муаммоларини уч аспектда кўриш мумкин. Биринчиси, “Сунъий интеллектни яратиш мумкинми, агар бунинг иложиси бўлса қандай қилиш керак?” деган саволни ўртага ташлаган бўлса, иккинчиси, “Сунъий интеллект яратилиши инсониятни қандай оқибатларга олиб келади?” деган ахлоқий мавзуни илгари сурган. Фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқлари асосида инсонни чексиз такомиллаштириш ғоясини олгари сурган “трансгуманизм” [6.14.] фалсафий концепциясига кўра, “сунъий интеллект”ни такомиллаштириш инсониятнинг буюк вазифаларидан биридир.

Биринчи ва иккинчи аспектлар илмий муҳокама қилингани эътиборга олинса, учинчи масалада кенг таҳлилга эҳтиёж сезилди. Демак, “трансгуманист”ларнинг эътирофига кўра, техника ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, техника ютуқларини ўрганиш, ҳаётга фаол татбиқ этиш, вужудга келиши кутилган хавф-хатар ва муаммоларнинг олдини олиш, инсоннинг қариши ва ўлимини бекор қилиш, яшаш-яшамаслик масаласини инсоннинг ўзига ҳавола қилиш, “бахтли инсон” ғоясини тарғиб қилиш, ҳар қандай тадқиқотга эркинлик бериш, инсонни клонлаштириш, “психотроп”

дорилаш ишлаб чиқариш, “пробирка” бола етиштириш каби тақиқланган илмий лабораториялардан унумли фойдаланиш энг олий мақсаддир.

Юқорида келтирилган оламшумул ғоялар “сунъий интеллект”нинг истиқболдаги муайян натижаларини башорат қилиш имконини берди. Жумладан, замонавий инсон техника ривожига шу даражада муккасидан кетганки, оддий инсоний муносабатлар, меҳр-мурувват каби инсоний фазилятлардан узоқлашиб, роботлашиб, сунъийлашиб бормоқда.

Бугунги модерн инсон техника ютуқларини ўрганиб, ҳаётга шу даражада тезкорлик билан татбиқ этмоқдаки, ҳамма юмуш техниканинг зиммасида бўлгани учун инсон саводсизлик, билимсизлик ва ақлсизлик чегарасига томон илдам силжимоқда.

Қаришнинг олдини олишга доир кўплаб тадқиқотлар мақтовга сазовор, инсон қариган сари кучга, билимга, тажрибага тўлади. Абадий 18 ёшда қолиш ғояси худди Будданинг умр бўйи на қари одамни, на ўликни, на касални кўрмай, ҳаёт фақат лаззатланиш ва ҳурсандчиликдан иборат деган хулосасига ўхшаб кетади.

Ҳаёт ва ўлим фалсафий муаммо сифатида қадимдан инсонни қизиқтириб келган бўлса ҳам, трансгуманистлар томонидан таклиф этилаётган яшаш ёки ўлиш ҳуқуқини инсоннинг ўзига ҳавола этиш Яратгanning ҳукмига қарши чиқишдир. Туғилиш бор экан, ўлим ҳам бор. Бу азалий қонун бузилса, Ер юзи одамзод билан тўлиб кетса, нималар бўлишини ўйлашнинг ўзи инсонни чуқур ўйга толдиради.

Бугунги ғарбдаги “бахтли инсон” ғояси чиркин манзарани намоён қилишни бошлади. Жумладан, бир жинслилар никоҳи, юқори шовқинли мусиқалар, урушни тарғиб қилувчи плейштейнлар, ахлоқсизлик ғояси сингдирилган медиамаконлар шулар жумласидандир.

Энг муҳими, бугунги кунда қарийб барча инсонпарварлик ташкилотлари ғайриинсоний тадқиқотлар ўтказилишига қаршилик қилмоқда ва унинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида бонг урмоқда.

Сунъий интеллект борасидаги яна бир муҳим баҳс инсоннинг фикрлаши масаласидир. Фикримизча, инсон қўли билан яратилаётган сунъий интеллект қарийб барча ишларни бажаришга қодир. Амалга оширилмагани унинг “*Homosapiens*” каби фикрлашидир. Зеро, фикр илоҳийдир. Фикр қалбдан чиқади. Сунъий интеллектдаги етишмаётган асосий “деталь” ҳозирча инсоннинг ягона ва қимматли қадрияти бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Коэффициент интеллектуальности / Большая советская энциклопедия. Под ред А.Прохорова. Т. 13. – Москва: Советская энциклопедия, 1973. – С. 306.
2. Аверкин А., Гаазе Раппопорт М., Пospelов Д. Толковый словарь по искусственному интеллекту. – Москва: Радио и связь, 1992. – С. 62.
3. Девятков В. Система искусственного интеллекта / Под ред. И.Федорова. – Москва: Издательство МГТУ им. Н.Баумана, 2001. – С. 11.
4. Смолин Д. Введение в искусственный интеллект. Конспект лекций. – Москва: Физматлит, 2018. – С. 45.

5. Араб оглы Э. Конец вечности / Библиотека научной фантастики. Т. 9. – Москва: Молодая гвардия, 1966. – С. 141.

6. Bostrom N. A History of transhumanist thought // Journal of Evolution and Technology. – 2005. – № 1. – Vol. 14.

SAK-MASSAGET EPOSI VA UNING EPIK TRANSFORMASIYASI

f.f.d. (DSc), dots. Kuchkarov Tuxtamurod Olimovich

O'zbekiston Milliy universitetining Jizzax filiali, O'zbekiston

Ma'lumki, O'rta Osiyoda yashagan qadimgi aholi folklori, xususan, sak-massaget eposi namunalarining qadimgi yunon manbalaridan, xususan, Gerodotning "Tarix" asaridan o'rin olgan. Gerodot skiflar diyori bo'ylab qilgan sayohatlari chog'ida o'zining mahalliy aholining boy og'zaki ijodi, ayniqsa, qahramonlik va jasoratni tasvirlovchi epik asarlari bilan tanishgan. SHuning uchun ham u uz "Tarix"ida skif qabilalari hayoti bilan bog'liq u yoki bu rivoyatni keltirishdan avval so'zni "aytishlaricha", "menga aytib berishlaricha", "hikoya qilishlaricha" kabi birikmalar bilan boshlaydi. Bu esa Gerodot asarida keltirilgan skif folklori namunalari bevosita og'zaki an'anaga borib taqalishidan darak beradi. Gerodotning "Tarix" asarida keltirilgan "skif hikoyalari"ning negizi folklorga borib bog'lanishini D.S.Raevskiy va L.A.Lelekovlar ham qayd etishgan.

O'zbek xalq ijodidagi epik syujetlar va an'anaviy motivlarning tarixiy asoslarini aniqlashda qadimgi yozma manbalar orqali saqlanib qolgan arxaik folklor namunalari yoki ularning qoldiq holdagi ko'rinishlarini qiyosiy tahlil qilish substrat hodisalarning ham ahamiyati kattadir. Sak-massaget qabilalari eposining reliktlari O'rta Osiyo hududida istiqomat qilgan ko'pgina xalqlar va elatlarning folklor an'analari rivojiga kuchli ta'sir ko'rsatganligiga ilmiy adabiyotlarda ko'plab dalillar mavjud. Xususan, osetin tili va folklorining tadqiqotchisi V.I.Abaev qadimgi skiflar folklorining epik transformasiyasi haqida fikr yuritarkan, shunday yozadi: "Osetin xalq qahramonlik eposining yetakchi personajlaridan biri Satani obrazining genezisini aniqlash nartshunoslikning asosiy masalalaridan sanaladi. Bunday g'aroyib obraz faqatgina ijtimoiy hayotda ayollarning roli ustuvorlik qilgan jamiyat og'zaki ijodidagina yuzaga kelishi mumkin. SHunda beixtiyor skif (sak, massaget) eposida tasvirlangan ayollar obrazi yodga tushadi: yengilmas Kirga qaqshatgich zarba bergan jasur To'maris (Gerodot), Amagi (Polien), Zarina (Ktesiy). SHuningdek, qadimgi dunyo muarrixlari asarlaridagi "ayollar hukmronlik qiladigan" sarmat qabilalari to'g'risidagi qaydnomalarni ham eslaymiz. Bu kabi boshqa parallelliklar va qiyosiy tahlillar asosida shuni ishonch bilan ta'kidlash mumkinki, osetin xalq qahramonlik dostonining tarixiy asoslari sarmat va skif (sak, massaget) eposiga borib taqaladi, binobarin, osetin epik kuychilari ana shu qadimgi qavmlarning epik an'alarini izchil davom ettirib kelishmoqda".

Bugungi kunda Kavkazda istiqomat qiluvchi osetinlarning qadim ajdodlari – os va alanlar bir zamonlar O'rta Osiyoda, aniqrog'i, Xorazm vohasi va Amudaryo bo'ylarida istiqomat qilganligini, Abu Rayhon Beruniyning Amudaryo suvining